



МУАЙЯН ЯШАШ ЖОЙИГА ЭГА БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ ЧОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Д.И.Бабожонов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура
тингловчиси, майор

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7720541>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2023

Accepted: 09th March 2023

Online: 10th March 2023

KEY WORDS

Муайян яшаш жой,
ижтимоий реабилитация,
ижтимоий мослаштириш,
ички ишлар органлари,
ижтимоий ҳимоя.

ABSTRACT

Ушбу мақолада муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чорларини ҳақида назарий, амалий ва ҳуқуқий қарашлар ва фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган.

Бугунги кунда юртимизда барча давлат органларида маъмурий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат органларида маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этишдир¹.

Шу боис юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган чоралардан эканлиги белгилаб берилди.

“Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш” жумласининг ўзи ҳам бир нечта сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлиб кенг маънода комплекс тадбирлар ва вазифаларни ўз ичига қамраб олади.

Реабилитация маркази — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни уларнинг шахси аниқлангунгача маъмурий суднинг ажрими асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб туриш ва реабилитация қилиш учун мўлжалланган ички ишлар органлари тизимидаги давлат муассасаси;

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс — шахсини тасдиқловчи ҳужжати, шунингдек, бирон-бир манзилда доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича

¹ Рустамов С., Кушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 28-31.



рўйхатга олинмаган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 18 ёшдан ошган шахс;

Реабилитация қилиш — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.²

Эътибор қаратсак, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш инсонга нисбатан меҳр кўрсатиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришида яқиндан ёрдам беришдан иборат тадбирларни ўз ичига олади. Бу эса, ҳар қандай шахсни жамиятга бўлган ишончини оширади, унда келажагига ишонч пайдо бўлади.

Ҳозирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳам аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашдир. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш энг аввало улар учун қулай ва муносиб турмуш шароитини таъминлаб бериш, бозор муносабатларига ўтиш даврида объектив равишда мавжуд бўладиган турли қийинчилик ҳамда кутилмаган иқтисодий, ижтимоий хатарлардан муҳофаза қилинишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг XXIII² боб. “Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритиш” алоҳида боб ҳамда 313^б-модда. “Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида илтимоснома бериш тўғрисида” моддалар кўшилганлиги бу йўналишда ислохотлар амалга ошириб борилаётганлигини ўз тастиғини белгилаб беради.

“Ўзаро ижтимоий ёрдам, ижтимоий ҳимоя Ўзбекистон шароитида янгилик бўлмасдан, минг йиллар давомида шаклланган ҳамда давом этиб келаётган миллий-тарихий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидан иборат”³.

Қадимдан Ўрта Осиё халқларида “Катталарга ҳурмат - кичикларга иззат кўрсатиш” инсоннинг муҳим фазилатларидан бири ҳисобланган. Бу фазилатларни бир сўз билан ифодалаб бўлмайди, балки бунда шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тушунилади.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллашда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, хусусан, уларнинг руҳиятини кўтариш, жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш, дан бири ҳисобланиб, унинг турли замонавий усул ва шакллари амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик

² Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сонли “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисида”ги қарор

³ Усманова М.А. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя: фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари. Т., ТДЮИ, 2005., 42-б.



содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб турлича усулларда қўлланилади.

Қонун билан киритилган нормалар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш билан боғлиқ қийинчиликларнинг ва ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча боб ва моддалар киритилди.

XXIII2 боб. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритиш деб номланиб, қуйидги моддалар билан тўлдирилди.

3136-модда. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида илтимоснома бериш

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг реабилитация марказига жойлаштирилишини талаб қилувчи асослар аниқланган тақдирда, ички ишлар органи бундай шахс ички ишлар органига келтирилган пайтдан эътиборан 48 соат ичида уни реабилитация марказига ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши шарт.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс аниқланган ердаги ёки реабилитация маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи томонидан берилади.

3137-модда. Илтимосноманинг шакли ва мазмуни

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома судга ёзма шаклда берилади ва ички ишлар органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Илтимосномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) илтимоснома берилаётган суднинг номи;
- 2) ички ишлар органининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- 3) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- 4) илтимосномага асос бўлган ҳолатлар;
- 5) берилган илтимосноманинг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимос, жойлаштириш муддатини кўрсатган ҳолда;
- 7) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Илтимосномада ички ишлар органининг телефон, факс рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида талабларни бузган ҳолда берилган илтимоснома ички ишлар органига қайтарилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказларига жойлаштиришда ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади.



Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири⁴ ҳисобланса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг бугунги босқичига қадар ушбу йўналишда алоҳида бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиб ишларни ташкил этиш тартиби аниқ белгилаб берилмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 2 майдаги “Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва идентификация ID-картасини расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 71-сон буйруғи билан тасдиқланган “Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва идентификация ID-картасини⁵ расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисида” Низомга асосан Ички ишлар органларининг⁶ муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомга асосан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг идентификация ID-картасини расмийлаштириши жараёнида давлат божларини тўлаш тартиби белгилаб берилди.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларга нисбатан соғлиғини тиклашда тиббий, руҳиятини кўтаришда психологик ёрдам кўрсатиш орқали қайта тиклаш, маънавий ёки мулкӣ зарарни ундириб бериш, руҳий тушкунликдан қутулишга ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан эса, уларни ўқишга ёки ишга жойлаштириш, доимий ёки вақтинчалик уй-жой билан таъминлаш, моддий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ўз ифодасини топади.

Аммо, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллаш жараёнида бир қанча камчилик ва муаммолар мавжудки уларни бартараф этмай туриб, керакли натижаларга эришиб бўлмайди, жумладан:

- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини амалга оширишга ихтисослаштирилган махсус муассасаларнинг фаолияти етарли ташкил этилмаганлиги;

⁴ Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.

⁵ Янгибаев А.К. Участие политических партий в формировании органов государственной власти (опыт Узбекистана) //Право и жизнь. – 2016. – №. 10-12. – С. 118-130.

⁶ Kidirbaevich, Yangibaev Aybek. "Administrative liability for non-fulfillment of obligations to educate teenagers." *Web of Scientist: International Scientific Research Journal* 2.10 (2021): 179-182.



- ҳокимликлар ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказларининг фаолияти бугунги замон талабига жавоб бермаслиги;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларига муҳтож бўлган шахсларга тааллуқли бўлган аниқ маълумотларнинг мавжуд эмаслиги;

- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллаш жараёнида жамоат тузилмаларининг иштироки етарли даражада эмаслиги;

- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллашда шахсларнинг маънавиятини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар ташкил этилмаслиги, хусусан, одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил (қўшмачилар, фоҳишахона сақловчилар, фоҳиша ва бошқалар) бўлган шахсларни реабилитация қилиш марказларини мавжуд эмаслиги ва х.зо.

Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллашда қуйидаги йўналишлардаги ишларни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари қўлланиладиган махсус муассасаларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни замон талабларидан келиб чиқиб янгитдан ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, ҳокимликлар ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказларини бугунги замон талабларига мослаштириш, фаолиятини белгилаб берувчи янги норматив ҳужжатни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

Учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларига муҳтож бўлган шахсларга (ғайриижтимоий ҳулқ-атворли ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар ва х.зо.) тааллуқли аниқ маълумотлар электрон базасини шакллантириш;

Тўртинчидан, жамоат тузилмаларининг ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллашдаги аниқ вазифаларини белгилаб бериш ва уларнинг иштирокини таъминлаш;

Бешинчидан, алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузар шахслар (қўшмачилар, фоҳишахона сақловчилар, фоҳиша ва б.қ.) маънавиятини шакллантиришга ихтисослашган махсус реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш;

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, шахсни маъмурий ёки жиноий жазоларга тортиш, унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш орқали эмас балки у билан яқиндан ҳамкорлик қилиш орқали ҳуқуқбузарлик профилактикаси амалга оширилади ва бу усуллар бугунги замонда энг мақбул ҳисобланади.



References:

1. Рустамов С., Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 28-31.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сонли “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисида”ги қарор
3. Усманова М.А. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя: фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари. Т., ТДЮИ, 2005., 42-б.
4. Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
5. Янгибаев А.К. Участие политических партий в формировании органов государственной власти (опыт Узбекистана) //Право и жизнь. – 2016. – №. 10-12. – С. 118-130.
6. Kidirbaevich, Yangibaev Aybek. "Administrative liability for non-fulfillment of obligations to educate teenagers." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2.10 (2021): 179-182.